

4

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 13/03-17-71

« 11 » 03 201 9 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Уй-жой коммунал хизмат
кўрсатиш вазири
М.Х.Солиевга

Депутат сўрови

Хурматли Музаффар Халдарбаевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида депутат ва сенаторлар олдида бир қатор аниқ вазифалар қўйди. Яъни - ҳар бир ҳудаддан сайланган депутатлар ва сенаторлар ҳар ойда 10 кун давомида бир туманда ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши ва тегишли хулоса бериши зарурлиги ҳақида топшириқ берилган эди.

Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг сўнги 10 кунда ўз округларига чиқиб, сайловчилар билан учрашувлар ва тегишли соҳалар бўйича ўрганилишлар ўтказмоқдалар.

Жорий йилнинг 26 февраль кунидан 2 март кунигача 71-Жарқўрғон сайлов округимда учрашувлар ўтказдим. Ўрганишлар давомида Сизнинг соҳангизга оид муаммолар ҳам кўтарилди. Жумладан:

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани “Сурхон” кишлоқ аҳоли пунктларининг ичимлик сув таъминоти ва санитариясини яхшилаш лойҳаси бўйича “Осиё Тараққиёт” банки маблағлари ҳисобидан 6 миллиард 924 миллион 135 сўм сарфланган. Иншоат 2015 йилда “Давлат қабул комиссияси” тамонидан қабул қилинган.

Аҳоли 2010 йилдан буён “Марказий Сурхон”, “Хўжакишлоқ”, “Мингчинор” “Жинжактепа”, “Меҳнатобод”, “Боймоқли”, “Янгиарик”, “Эскикишлоқ”, “Кунчиқиш”, маҳаллаларида 790 хонадонда 4480 нафар аҳолига ичимлик суви ноаниқ сабабларга кўра етиб келмаётганлигини, 2287 хонадон 13740 нафар аҳоли ичимлик суви лойҳасидан қолиб кетган, қурилиш ишлари сифатсиз бажарилган, сув қувурлари босимида бардош беролмаяпти. Вилоят ва туман мутасади раҳбарлари сўровимизга аниқ ва жўяли жавоб бераолмаяпти.

Мазкур мурожаатлар 2018 йил 25 ноябрда вилоят “Сувоқава” ДУК корхонаси ва курувчи “278 ХМКЖ” МЧЖ мутасаддилари тамонидан ўрганилиб, Республика ишчи гуруҳига ўн кунлик муддатда ичимлик суви билан таъминлашни ваъда қилишган эди. Афсуски, ваъда-ваъдалигича қолмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунининг 12-моддаси, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, Сиздан қуйдаги саволларга 10 кун ичида асослантирилган жавоб беришигизни сўрайман.

1. Мавжуд 4743 хонадон 27137 аҳолининг 2287 хонадони ҳамда 13740 аҳолиси хонаданларининг 48.2 % жами аҳолининг 50,6 % сув лойҳасидан қолиб кетишига ва қилинган сифатсиз лойиҳага ким жавоб беради?

2. Сифатсиз қурилиш ишларини қабул қилган давлат комиссияси аъзоларига нисбатан қандай чоралар кўрилди?

3. Ушбу иншоот вазирлик тамонидан хатловдан ўтказилганми? (

4. Самарасиз ишлатилган “Осиё Тараққиёт” банки маблағларига ким жавоб беради?

5. 2010 йилдан буён ичимлик суви таъминотидан узилган аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан вазирлик тамонидан қандай чора-тадбирлар кўрилди?

6. Юқорида зикр этилган камчиликлардан “Осиё Тараққиёт” банки маъмуриятининг хабари борми?

7. Қабул комиссиясида нима сабабдан банк вакилининг иштироки таъминланмаган?

8. Пировард натижада аҳоли қачон ичимлик суви билан таъминланади?

Илова 13 варақда.

Хурмат билан,

Олий Мажлис Қонунчилик

Палатаси депутаты



Т.Ю.Норбаев